

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ”**

**фанидан
ДАСТУР**

Тузувчи: доц. Б.Жонбоқиев.

Такризчилар: доц.М.Саидазимов,
доц. А.Аллаберганов.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича магистратуранинг барча мутахассисликларига мўлжалланган.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг энг мухим масалаларига алоҳида эътибор берилган.

В настоящей программе основное внимание уделяется Конституции Республики Узбекистан, в основе которой взят указ Президента Республики Узбекистан от 4 января 2001 г. «Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан».

Separate is given to the present program to study of the Constitution of Republic of Uzbekistan in which basis is taken the decree of the President of Republic of Uzbekistan from 4.01.01 year about organization of study of the Constitution of Republic of Uzbekistan.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2003 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатда демократик ҳуқуқий давлатчилик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг қонуний замини сифатида ижтимоий - сиёсий ҳамда ҳуқуқий фикр марказида бўлиб келмоқда. У давлат мустақиллигининг рамзи, халқ хоҳиш - иродасининг олий ифодаси, фуқароларимиз сиёсий ва ҳуқуқий эркинлигининг буюк мадҳияси сифатида янграмоқда, яшамоқда ва амал қилмоқда. Асосий қонунимиз ўтган қисқа тарихий давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилик ҳамда адолатли жамият қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг барқарор қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Бинобарин, Конституциямизнинг ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий - мафкуравий, маърифий - тарбиявий салоҳиятини, мазмун - моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши (2001 йил 4 январь) қабул қилинди.

Фармойишда Асосий Қонунимиз моҳиятини кенг омма, хусусан, ёшлар онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш назарда тушилади. Шу мақсадда институтимизнинг магистратурадаги таълим хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу дастур ишлаб чиқилди.

Ўқув курсининг мақсади - магистрларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг давлат ҳаётидаги, жамият тараққиётидаги, ҳуқуқий давлат қурилишидаги, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, уларга келгуси фаолиятлари давомида Конституция материалларини, нормаларини турмушга бевосита татбиқ этишларига ўргатишдир.

Ўқув курсининг вазифаси – Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, мазмуни ва моҳиятини чуқур таҳлил этиш;

- - Конституцияий ҳуқуқ фанининг бошқа юридик фанлар билан алоқасини аниқлаш;
- - Конституция ва қонунларнинг устунлигини ўрганиш;
- - Конституция меъёрларини ўрганиш билан бўлғуси ёш мутахассисларининг ҳуқуқий билимини кучайтириш;
- - магистратура даражасигача Конституция ҳақида олган билимларини умумлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- - Конституциянинг давлат ҳаётида, жамият тараққиётида, ҳуқуқий давлат қуришда, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини тушунтириш;
- - магистратура тингловчиларида бўлғуси фаолиятлари давомида Конституция меъёрларини турмушга бевосита татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Ўқув курсини ўқитиш услуби - Конституцияни ўрганиш курси магистрантларга маъруза, суҳбат, семинар машғулоти шаклидаги назарий ва семинар дарслар орқали ўқитилади. Магистрларнинг Конституция бўйича олган билимларини назорат қилиш шакли рефератлар ёзиш, тест саволларига ёзма жавоблар бериш ва суҳбатлар ўтказиш орқали аниқланади.

Компьютер, ахборот ва бошқа педагогик технологияларни қўллаш

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» курсини ўқитишда илғор педагогик технологияни қуйидаги турлари ишлатилади:

- - фанни мазмунини кўрсатувчи кўرғазмали альбомлардан фойдаланиш;
- - маъруза матндаги шаклий ва рақамли маълумотларни кафедра профессор - ўқитувчилари томонидан олдиндан тайёрланиб, гуруҳ

талабаларига тарқатиш. Бу усул ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод этади;

- - масофавий ўқитишни ташкил этиш каби компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;
- - талабаларга хорижий университетлар профессорлари томонидан ёзилган айрим маърузаларни ўқиб, телеэкран орқали намойиш этиш ва бошқалар.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” ўқув курси ижтимоий - гуманитар фанлар, жумладан, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик фанлари билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Магистрантлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини мукамал ўзлаштиришлари, кундалик фаолиятларида Асосий Қонуннинг принциплари ва нормаларига тўлиқ риоя қилишлари, ўзларининг Конституциявий саводхонликларини тинимсиз, оширган ҳолда, ўз бурч ҳамда масъулиятларини, ҳуқуқларини теран билишлари лозимлигига эътибор қаратилган.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» магистратура йўналишларда ўқитилиб, магистралар билими оралиқ, жорий ва якуний баҳолаш билан тугалланади.

Улар маъруза дарслари, семинар машғулотларда ўз билимларини чуқурлаштирадilar. Талабаларнинг олган билим ва кўникмалари кейинги иш фаолиятида ёрдам беради.

Ҳар бир мавзу бўйича жадвал, чизма ва графиклар тайёрлаб дарсда кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Конституция - Асосий қонун

Конституциянинг аҳамияти ва юридик табиати. Конституция – юридик онг маҳсули. Конституциянинг асосий принциплари ва хусусиятлари, нормалари, олий юридик кучи. Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш киритиш тартиби. Конституцияни ҳимоялаш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва ривожланган мамлакатлар Конституцияларини қиёсий таҳлил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий тузум асосларининг белгиланиши

Конституциявий тузум тушунчаси. Конституциявий тузумнинг инсонпарварлиги, инсон, унинг ҳуқуқий ва эркинликлари. Давлат суверенитети.

Ўзбекистон давлатининг Конституциявий хусусияти мақоми.

Демократик давлат тушунчаси, ҳуқуқий давлат тушунчаси.

Бошқарув шакли тизимлари.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойиллари.

Конституциявий тузумнинг иқтисодий асослари. Бозор иқтисоди тамойиллари. Мулк шакллари.

Сиёсий институтлар, фикрлар хилма - хиллиги, жамоат бирлашмалари, Конституция ва қонун устунлиги.

Ташқи сиёсат ва хавфсизликнинг Конституциявий асослари.

Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти.

Ташқи сиёсат тамойиллари, муҳофаа ва хавфсизлик.

Конституция ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги

“Фуқаро – жамият – давлат” ўртасидаги ўзаро муносабати. Шахснинг тенглигини таъминловчи принциплар. Фуқароликни йўқотиш.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси, яшаш ҳуқуқи, ҳисобламаслик, шахсий ҳаётга аралашинишга йўл қўймаслик, турар жой дахлсизлиги, ёзиш, сўзлашувларнинг сир сақланиши, виждон эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи.

Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси. Давлат ва жамият ишларида бевосита ёки вакиллари орасида иштирок этиш, митинг, йиғилиш, намойишларда иштирок этиш, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, давлат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат этиш. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тушунчаси. Мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари тушунчаси. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан таъминланиши, вояга етмаганларга, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар ҳуқуқини ҳимоялаш. Ҳотин - қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш.

Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси. Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш, тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш - авайлаш, атроф - муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш,

солиқ ва йиғимларни тўлаш. Ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматни ўташ ва х. қ.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши

Олий Мажлис - Олий давлат вакиллик органи. Олий Мажлисни ташкил этиш, тарқатиб юбориш тартиби, ваколатлари, иш фаолияти, шакли. Олий Мажлис тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти. Президентни сайлаш. Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Вазирлар Маҳкамаси - ҳукумат – ижро этиш ҳокимиятини амалга оширувчи орган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Конституциявий вазифалари. Вакиллик органларини ташкил этиш ва таркиби. Ҳоким – вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти (мақоми, вазифалари ва таркиблари).

Сайлов тизимининг конституциявий асослари

Сайлов тизими тушунчаси, тамойиллари. Сайлов ҳуқуқи тамойиллари. Умумий сайлов ҳуқуқи, тўғридан - тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи. Кўшпартиявийлик, муқобиллик.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Президент сайловлар утказиш.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР

Конституция – мустақиллик маҳсули ва тимсоли

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: моҳияти, принциплари ва хусусиятлари. Мустақиллик Конституцияси ва ҳуқуқий қадриятлар.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Шахснинг тенглигини таъминловчи тамойиллар. Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик тушунчаси. Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тушунчаси, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати тушунчаси. Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари. Фуқароларнинг бурчлари. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчи.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий ҳолати. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолатлари.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тушунчаси. Ўзбекистонда Конституциявий суд тизими.

Сайлов тизимининг конституциявий асослари

Сайлов тизими тушунчаси. Сайлов турлари ва Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг конституциявий - ҳуқуқий принциплари. Сайлов ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи. Умумий сайлов ҳуқуқи. Сайлов жараёни босқичлари. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг бузилиши устидан шикоят қилиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

1. www.uzpak.uz
2. www.pravo.uz
3. www.pravo.ru
4. E - mail norma@dostlink.net
5. E - mail norma@mail.tns.uz

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу курс бўйича максимал 18 балл, фан учун саралаш - 9,9 балл белгиланган. Шу жумладан: жорий баҳолаш - 5,6 балл, оралиқ баҳолаш - 7 балл, якуний баҳолаш - 5,4 балл.

6. АДАБИЁТЛА

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Мустақиллик Декларацияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия. –Т.: Адолат, 2000.
3. «Давлат тили ҳақида»ги «Ўзбекистон Республикаси»нинг қонуни 1995 йил 21 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия. - Т.: Адолат, 2000.
5. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳоеимяти ташкил этилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. - Т.: Адолат, 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг «Сенат тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: Адолат, 2002.
7. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Т.: Адолат, 2003.
8. «Фуқролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. - Хрестоматия. - Т.: Адолат, 2000.
9. “Фуқроларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти - ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 10 - сон. - Т.:Адолат. 1995.
10. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: Адолат. 1999.
11. “Нодавлат тижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 21 - сон. - Т.:Адолат. 1999.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январдаги Ф - 1322 - сонли фармойиши.//Халқ сўзи, 2000 йил 5 январь.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
17. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998
19. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999
20. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз . Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

21. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
22. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
25. Иноятлов А. Меҳнат ҳуқуқи. - Т.: 2002.
26. Каримова О., Тўйчиева Х., Давлат ва ҳуқуқ асослари, - Т.: Ўқитувчи, 1995.
27. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. - Т.: Меҳнат, 1999.
28. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Меҳнат, 2000.
29. Зулъяров А. «Банк ҳуқуқи». - Т.: Тошкент Ислам Университети, 2001.
30. Бабаев Х.Б. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Т., 2000.
31. Ўразаев Ш.З. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. - Т.: Адолат, 1996.
32. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2002.
33. Жонбоқиев Б. Меҳнат ҳуқуқи. - Т., 2002.
34. Тожихонов У., Саидов А. Давлат ҳуқуқи асослари. - Т., 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
 2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
 3. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси. - Т.: Адолат, 1995.
 4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. - Т.: Адолат, 1995.
 5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т.: Адолат, 1995.
 6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. - Т.: Адолат, 1998.
 7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Т.: Адолат, 1999.
 8. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. - Т.: Адолат, 1999.
 9. Мустафоев Б. Халқимиз ақл - заковати ва донишмандлиги самараси. // Халқ сўзи - 2002 йил 10 декабрь.
- Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. - Т.: Шарқ, 2002.